





Ҳазорасп туманидаги «Унихо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида юз нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, корхона цехларига Германиядан келтирилган энг сўнгги нусхадаги ип йигирув ускуналари ўрнатилган. Бу «Унихо» маҳсулотларининг сифатлилигини таъминлаётир.

**Суратларда: ип йигирувчилар Гуландон Отамуродова, Дилфуза Бобожонова ва сифат-назорат бўлими бошлиғи Дилором Худойберганова.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

«Узстандарт» агентлиги сўнгги йилларда тизимда янги муваффақиятларга эришмоқда. Жумладан, Турк стандартлари институти ва «Узстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбек - Турк» тест маркази қўшма корхонаси халқаро талабларга мувофиқ ўз фаолиятини бошлади.

Дўстона алоқалар 1991 йилда ўрнатилган бўлиб, икки томонлама ташкил этилган ваколатхоналар самараси ўлароқ, қўшма корхона ўтган давр мобайнида салмоқли фаолият кўрсатди. Вақт ўтиши билан тест марказининг имкониятларни янада кенгайтириш, қўшма корхона биносини ва синов имкониятларини замонавийлаштиришга қарор қилинди.

Натижада 19 та сўнгги технология асосида тайёрланган жиҳозлар Турк стандартлари институти томонидан бу ерга келтирилди. Ҳозирда тест маркази қўшма корхонасида маҳсулотлар халқаро стандартлар асосида лаборатория синовларидан ўтказилмоқда. Айниқса, мамлакатимиздаги текстил корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тез ва сифатли синаб бериш имконияти туғилди.

**Д.ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири**

## СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Бағдод туманидаги «Зилол сув» хусусий фирмаси ичимлик суви учун артезан қудуқлари қазиш, бурғулаш ҳамда тоза ичимлик суви етказиб бериш каби хайрли ишларни амалга оширмоқда. Тажрибали ходимлар Фарғона вилоятининг кўплаб қишлоқларида истиқомат қилаётганлар оғирини енгил қилмоқда. Шунингдек, Сирдарё, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудларида ҳам фаолият олиб боришаётир.

- Хусусий фирмамизда 16 киши меҳнат қилса-да, ишларимизнинг кўлами кенг, - дейди фирма раҳбари Жаҳонгир Мадаминов. – Фирмамиз кўплаб танлов ва тадбирларда қатнашиб совриндор бўлмоқда. Хусусан, вилоятда «Энг намунали солиқ тўловчи» деган шарафли ўринга муносиб топилдик. «Мустақиллик» нишонини олишга сазовор бўлдик.

Меҳр ва мурувват йилида ҳам фирма ишчи ходимлари савобли ва хайрли ишларини давом эттирмоқда. Хусусан, Бағдод туманидаги Ўриксор маҳалласида ўрнатиб берилган артезан қудуғини таъмирлаш ҳамда туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган боқувчисини йўқотган оилалар хонадонларига тоза ичимлик суви етиб келишидаги носозликларни бепул таъмирлаб бериш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Фирма мутахассислари катта станок, компрессор ҳамда кичик электростанция ёрдамида 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб эл дуосини олиб меҳнат қилишмоқда.

**Ҳ.ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири**

## ИНСТИТУТДА КАДРЛАР АУКЦИОНИ

Республикамиз олий ўқув юртларида ўқишлар тугаб, йиллик имтиҳонлар бошланишига оз вақт қолди. Айни вақтда битирувчи талабаларни ишга жойлаштириш тадбирлари кўрилмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ташкил этилган кадрлар аукциони ҳам кутилган натижани берди. «Ўзбек ипаги», «Ўзпахтасаноат», «Ўзбек қоғози», «Ўзбекчармпойафзал», «Ўзбек-Қобил текстайл» каби ишлаб чиқариш ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган ушбу кимошди савдоси тадбири ёш мутахассисларнинг кўнглидагидек иш бўлди. Олий ўқув юртида таҳсил олган бакалавр ва магистрантлар ўзлари мўлжаллаган корхоналарда ишлаш учун йўлланма оладилар.

Ўзаро келишувга биноан биргина «Ўзбекпахтасаноат» корхонаси 108 нафар ёш мутахассисни ўз бағрига олади. Шу муносабат билан кадрга даъвогар корхоналар институт ҳисоб рақамига пул ўтказадилар.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кадрлар аукциони билан бирга битирувчиларнинг кейинги тақдири бўйича мониторинг ўтказиш ҳам режалаштирилди.

## ЛИЦЕЙДА ТАНЛОВ

Республикамиздаги кўпгина таълим муассасаларининг Америка ва Германия умумтаълим мактаблари билан интернет орқали алоқа қилишлари йўлга қўйилди.

«Мактаблараро ўзаро тажриба алмашув» республика танловида ғолибликни қўлга киритган бу ўқув масканлари эндиликда ана шундай имкониятга эга бўлдилар. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги академик лицей эса биринчилардан бўлиб танлов ғолиблигини қўлга киритди.

Ҳозир лицей махсус аудиотехника, видеотехника ва «СД-ромлар базаси» каби компьютер техникасига оид ўқув жиҳозларига эга. Лицейнинг олти нафар ўқувчиси яқинда «Акселс»нинг махсус дастури бўйича АҚШ мактабларидан бирида ўқиб қайтди.

**А.АКБАРОВ**

*Касаба уюшмалари бугун*

# ИЖТИМОИЙ МУЛОҚОТ – АМАЛДА

(Ҳозирги вақтда яна учта «Еrости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида»ги (№45), «Оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисида»ги (№156), «Аёлларнинг тунги меҳнати тўғрисида»ги (№89) конвенцияни ратификация қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.)

Ушбу конвенциялар Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланган тартибда ратификация қилинган, бу эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан таққослаш заруратини юзага келтиради.

1998 йил 18 июнда ХМТ 86-сессиясида қабул қилинган Меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги ХМТ Декларациясида баён қилинишича, ХМТга аъзо бўлган барча давлатлар қуйидаги асос солувчи ҳуқуқларга таалуқли тамойилларга риоя этишлари, улар қўлланишига кўмаклашишлари ва уларни ҳаётга татбиқ этишлари мажбурийдир:

1) бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини амалда тан олиниши;

2) зўрлаб ишлатишнинг ёки мажбурий меҳнатнинг барча шаклларини тугатиш;

3) болалар меҳнатини амалда тақиқлаш;

4) меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишга йўл қўймаслик.

Мазкур декларацияда кўрсатиб ўтилган жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи тамойилларининг қўлланиши 98-конвенция билан тартибга солинади. Мазкур конвенция талаблари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (1992 йил 8 декабр), Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида (1992 йил 2 июн) ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида (1995 йил 21 декабр) ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида иш берувчиларга ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бирлашиш ҳуқуқи берилган. Хусусан, Меҳнат Кодексининг 28-моддасида қуйидагилар кўзда тутилган: иш берувчилар уюшмаларга, ассоциацияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашишга ҳақлидир. Иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради, уларнинг мақсади иқтисодиётни ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Юқорида кўрсатилганлардан ташқари «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига ва Меҳнат Кодексининг 6-моддасига биноан касаба уюшмалари аъзоларига нисбатан ҳар қандай камситиш тақиқланади.

1998 йил 18 июндаги ХМТ Декларациясида баён қилинган асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар қаторига 29- ва 105-конвенциялар билан тартибга солинадиган зўрлаб ишлатишнинг ёки мажбурий меҳнатнинг барча шаклларини тугатиш ҳам киради.

Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси билан кафолатланади, унда таъкидланишича: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади».

Мазкур конституциявий ҳолат Ўзбекистон Меҳнат Кодексининг 7-моддасида ривожлантирилган бўлиб, унга кўра мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. Ушбу ҳолат шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 2- ва 22-моддаларида ўз ифодасини топган.

Болалар меҳнатини амалда тақиқлаш масалалари (138- ва 182-конвенциялар) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан тартибга солинади.

Чунончи, мазкур қонун ҳужжатининг 77-моддасида фуқаролар 16 ёшдан ишга қабул қилинишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари, 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш мазкур Кодекснинг 24-моддасида кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишларга йўл қўймаслик масаласи 100- ва 111-конвенцияларда акс эттирилган. Ўзбекистон Республикасида мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида акс эттирилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси: «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланиб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишган ҳеч ким ҳақли эмас». Ушбу конституциявий ҳолат Меҳнат Кодексининг 6-моддасида, шунингдек, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, уларга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлат камситишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоя қилинишни ва касб ва иш билан таъминланишда тенг имкониятларни таъминлашни кафолатлайди.

Ижтимоий мулоқот негизида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Олий Мажлис билан амалий шерикчиликни йўлга қўйди. Касаба уюшмаларининг етакчилари ва мутахассислари: ижтимоий масалалар ва бандлик; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; ёшлар ишлари бўйича; оила ва аёллар муаммолари бўйича қўмиталар ва комиссиялар ишида иштирок этишмоқда.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили – Омбудсман билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Бунда Омбудсманнинг қонун чиқариш ташаббусига, касаба уюшмаларининг эса – ходимларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканликлари касаба уюшмалари учун жуда муҳимдир.

Юқоридагилардан шу нарса келиб чиқадики, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишни таъминловчи ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш учун Ўзбекистонда маълум ҳуқуқий негиз яратилган. Ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш учун барча поғоналарда уч (икки) томонлама комиссиялар шакллантирилган.

**Э.ЁҚУБОВ**

(Боши ўтган сонда. Давоми бор.)

*Чинакам рақобат муҳитини яратайлик*

***Қорақалпоғистон Республика касаба уюшмалари кенгаши ижтимоий шерикчилик тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш,бозор муносабатлари шароитида ислоҳотларни янада эркинлаштириш, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиблигини таъминлаш борасида изчил фаолият кўрсатиб келаяпти.***

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар бажарилишининг кафолатидир

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан тузилган бош келишувнинг ижроси қатъий назоратда. Асосий эътибор эса аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофазалашга қаратилган. Айниқса, Оролбўйида яшовчиларнинг меҳнатни муҳофазалаш, иш ҳақи, нафақа, стипендияларни ўз вақтида берилишини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнаткашларни соғломлаштириш, маънавий-маърифий ва спорт ишларини йўлга қўйиш каби ижтимоий масалаларни амалга ошириш томонларнинг қўшма йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Бунинг самараси ўлароқ, келишувга киритилган 52 та банддан 48 таси бажарилганлиги соҳада ижобий силжишлар рўй бераётганлигини кўрсатиб турибди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидан бориб, ҳақиқий рақобат муҳити шакллантирилган. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда. Натижада барча манбалардан 1237,7 миллион сўм маблағ тушириліб, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 45406 та янги иш ўрни барпо этилди. Тадбиркорлик субъектлари, масъулияти чекланган ва ҳиссадорлик жамиятларида ишловчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Ҳозирда касаба уюшмалари ва иш берувчилар орасида тузилган тармоқ келишувлари сони 27, жамоа шартномалари 1176 тага етди. Мазкур ҳужжатларга кўра, ўртача бир ходимга сарфланган маблағ 42 минг сўмни ташкил этмоқда. Меҳр ва мурувват йили давлат дастурининг ижроси юзасидан 4 мингдан ортиқ қария ва ногиронларга 13 миллион сўмликдан ортиқ моддий кўмак берилди. 40 нафар ёлғиз кексаларнинг турар-жойлари таъмирдан чиқарилди. Меҳрибонлик ва Мурувват уйларига ҳомийлар томонидан 50 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди ва ҳар хил жиҳозлар харид қилинди.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш аҳоли фаровонлигининг ошишига олиб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Беруний туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси, Тахтакўпир туманидаги «Мулк», Нукус туманидаги «Кердар» ширкат хўжаликлари, Кегайли ва Беруний туманлари пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятларида иш берувчилар билан касаба уюшмалари қўмиталари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ходимлар учун қулай шароит яратилган. Чимбой ва Нукус туманлари агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмиталарида иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг берилиши таҳлил қилиниб, қарздорликни тугатиш бўйича мунтазам мониторинг йўлга қўйилди. Корхона, хўжалик, ташкилот раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва банк муассасалари билан ҳамкорликда иш кўрилганлиги боис ойлик маош ва нафақаларнинг белгиланган муддатларда берилишига эришилди.

Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонидан сўнг мазкур йўналишда аниқ дастур белгиланди. Кейинги икки йил давомида Қорақалпоғистон Республикасидаги 105 та зарар кўриб ишлаётган ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилди. Ана шу муносабат билан иш ўрни қисқарган ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шартлари ва ходимларнинг меҳнат қилиш кафолатлари бажарилиши жамоа шартномалари орқали назорат қилиб борилаяпти.

Элликқалъадаги «Элтекс», Манғитдаги «Юлдуз», Берунийдаги «Ёғгар», Нукус туманидаги «Буянтомир» очиқ ҳиссадорлик жамиятларининг ҳар бирида кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон ва етимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 4,5 миллион сўм маблағ сарфланган. Оммавий-маданий, спорт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат жароҳати олган 12 нафар ишчининг товон пуллари ундириб берилди. Ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш ва қисқартириш ҳолларининг содир бўлмаслиги учун иш берувчиларга қатъий талаблар қўйилган. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан касаба уюшма ташкилотлари ҳузурида жамоатчилик назорати фаолият кўрсатаяпти.

**Муротбой ДОНИЁРОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Кенгашининг бўлим мудири**

## БЕМИННАТ ЁРДАМ

Боёвут тумани Боёвут қишлоғида ҳудудий бизнес-инкубатор очилди. Бу Сирдарё вилоятидаги шу турдаги иккинчи муассасадир.

Унда Боёвут ва Ховос туманлари, Янгиер ва Ширин шаҳарлари кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари вакиллари билан ишлаш учун барча зарур шароит яратилган.

- Биз кўрсатаётган хизматлар кўлами кенг,- дейди бизнес-инкубатор директори И.Ғаффоров. - Биз жуда кам ҳақ эвазига телефонлар, факслар, проекторлар, компьютерлар, мебелларни фойдаланишга берамиз. Замонавий мини технологияларни танлаш ва сотиб олиш, имтиёзли кредитлар ва грантлар олиш учун бизнес-режалар тайёрлаш, инвесторлар топиш ёки қўшма корхона ташкил этишда тадбиркорларга ёрдам берамиз. Инглиз тили, бухгалтерия ҳисоб-китоби асосларини ўрганиш, компьютер саводхонлиги бўйича қисқа муддатли курслар очилган.

## ДЕҲҚОНГА ТЕХНИКА

«Пахтабанк»нинг Зафар бўлими фермерларни уруғлик, ўғит ва техника билан таъминлашда фаол кўмаклашмоқда. Йил бошидан буён Бекободдаги бир қанча МТП ва фермерларга «Т-4А» ҳамда «ТТЗ-80» чопиқ трактори олиб берилди.

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятидан сотиб олинаётган техника қишлоқ хўжалиги корхоналарига олти йил муддатга кредит асосида берилмоқда.

«Пахтабанк» вилоят бошқармаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўлими бошлиғи Содиқ Сувоновнинг айтишича, бу иш банкнинг Бўка, Пскент, Дўстобод, Гулбаҳор бўлимларида ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозирга қадар вилоят бўйича 17 ширкат, 41 фермер хўжалиги, учта муқобил МТП ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига 124 янги техника олиб берилди. Банк ўз мижозларига салкам юз миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар сотиб олишда ҳам кўмаклашди.

**(ЎзА)**

*Ибрат*

# «БИНОКОР» САХОВАТИ

«Бинокор» кичик корхонасининг фаолият юритаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа муддат мобайнида қатор қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб борди. Дўстлик туманидаги 4 та мактабда катта ҳажмда таъмирлаш ишларини уддалади. Корхонада айни пайтда 18 нафар қурувчилар самарали меҳнат қилишмоқда. Бунёдкорлар саховатли ишларни ҳам бажаришяпти. Меҳр ва мурувват йилида 2 нафар ёлғиз кексанинг уйини таъмирдан чиқарди. Шу йилнинг охиригача 2 та мактаб спорт ва фаоллар залларини капитал таъмирлаб беришни мўлжаллаб туришибди.

**Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

*«Ишонч» фош этади*

***Жондор Бухоро вилоятидаги энг йирик туманлардан бири саналади. Бу ерда салкам 130 минг киши истиқомат қилади. Тадбиркорлик асосида иш юритиш туман аҳлининг кундалик эҳтиёжига айланиб бораётир. Ҳозир бу ерда ана шу касбни ихтиёр этганларнинг сони 10 мингтага етай деб қолди.***

# «ТАДБИРКОР» НАЙРАНГИ

Бугун косиб ҳам ҳунарманд ҳам, деҳқону фермер ҳам тадбиркорона иш юритиш эвазига ишлаб чиқарган маҳсулотини, етиштирган ҳосилини сотиб қўшимча даромад кўриш ҳисобига турмуш тарзини яхшилашга интилаётир. Б.Насруллаев ҳам ана шу йўлни танлаган тадбиркорлардан бири эди. У ҳийла вақт ўтгач йўлдан адашди. Солиқ ва бюджетдан ташқари тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлашга ўтди. Ёпиқли қозон ёпиқлигича қолиши керак, деб ўйлаган «Янги аср» фермер хўжалигининг раҳбари кейинчалик қаттиқ янглишганини англаб етди. Афсуски, ғишт қолипдан кўчганди. Туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ департаменти вакиллари ҳамда ДСИ ходимлари томонидан олиб борилган текширишлар пайтида солиқ ва бюджетдан ташқари тўловларни тўлашдан бўйин товлаб юрган тадбиркорнинг найранглари фош бўлди.

Ножўя иш – келтирар ташвиш, деганларидек, Б.Насруллаевнинг ноқонуний фаолиятига муносиб баҳо берилди. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Яна бир мисол. Енг ичида «тадбиркорлик» фаолияти билан шуғулланишнинг охири вой эканлигига яширин цех очиб, мўмай даромад соҳиби бўлишни ихтиёр этган жондорлик фуқаро С.Ж.нинг ҳаёти ёрқин мисол бўла олади. У ноқонуний равишда қўлбола қолипларда бўлка нон пишириб, сотишга чиқараётганда, текширишга чиққан рейд гуруҳи аъзолари томонидан қўлга олинди. Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор ҳаракатлар чоғида сохта тадбиркорга тегишли бўлган яширин цех фаолиятига чек қўйилиб, ашёвий далиллар мусодара қилинди. Суд қарори билан «тадбиркор» катта миқдорда жаримага тортилди.

Шу ўринда туман солиқ инспекцияси ҳузуридаги назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссия ихтиёридаги «Ишонч» телефони хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ўтган даврда айнан шу телефон орқали олинган хабар туфайли зудлик билан ишга киришган ходимлар Далмунда ноқонуний тарзда ишлаётган яна бир яширин цех фаолиятига чек қўйдилар.

Нақд пул тушумини яширишга бўлган уринишлар қачондир якун топиши муқаррар. Жорий йилнинг 1-чорагида нақд пул тушумини ўз фойдасига ҳал қилишга уринган 2 та хусусий дўкон сотувчисининг кирдикорлари ошкор бўлди. «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги «Янгимозор» қишлоғида жойлашган дўкон мудири М.Ражабов учун савдо-сотиқ қилишда мавжуд кўрсатмалар асосида ҳаракат қилмаслик қимматга тушди. У бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарори талабларини, ҳам Солиқ Кодексининг 135-моддаси 1-қисмининг 12 ва 16-бандларини қўпол равишда бузди. Натижада касса аппаратисиз фаолият кўрсатган «тадбиркор» қонунга кўра минимал иш ҳақининг юз баравари миқдорида, яъни 544 минг сўмлик жаримага тортилди.

Бундан ташқари, ДСИ ходимлари солиқларнинг моҳияти, бу ҳақдаги янгиликларни кенг тарғиб қилиш билан бирга, белгиланган йиғимларнинг ўз вақтида давлат хазинасига келиб тушишини таъминлаш юзасидан ҳам кенг кўламда ишлар олиб бораётир.

**Ғолиб АЗИМОВ, ҳуқуқшунос,**
**Усмон СОЛИҲ ўғли «Ишонч» мухбири**

## ТЎҚУВ ДАСТГОҲЛАРИ ЁНИДА ЁШЛАР

Бўз туманидаги "Иморат-2003" кўптармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳар ойда тўққиз юз минг погон метр тиббий дока ва олтмиш минг погон метрдан ортиқ бўз ўрамаси ишлаб чиқармоқда.

Фирма раҳбари Озодбек Қаҳҳоров ишлаб чиқариш майдонини ижарага олиб, ўттизта тўқув ускунаси ўрнатди ва элликка яқин уй бекалари ҳамда маҳаллий коллеж битирувчиларини иш билан таъминлади. Айни пайтда ойига йигирма минг жуфт эркаклар пайпоғи ишлаб чиқарадиган янги цех монтаж қилинмоқда. Яқин кунларда бу ерда яна ўнлаб қишлоқ фуқаролари доимий иш билан банд бўлишади. Йил якунида эса йигирма нафар қишлоқ хотин-қизлари меҳнат қиладиган янги тикув цехи фаолиятини бошлайди.

Фирманинг қурилиш бригадаси тендерда ғолиб чиқиб, "Озод" ширкат хўжалигида болалар спорт мажмуаси бунёд этди. Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, оҳак ишлаб чиқарадиган цехни ҳам ишга туширди.

Ҳозирги пайтда "Иморат-2003" раҳбарияти калава ип ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси тузиш устида бош қотирмоқда.

# «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

**Азиз газетхон, таҳририятимизга республикамизнинг турли бурчакларидан, турли соҳа вакиллари томонидан йўлланаётган хатлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг салмоқли қисми «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси»га тегишлидир. Фуқаролар ўзлари учун ғоятда зарур бўлган саволларни мутахассисларимизга, ҳуқуқшуносларга йўллаб, тўлақонли жавоб олаётганликларини маълум қилиб бораётганлиги биз учун ғоятда қувончлидир. Бу одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳақ-ҳуқуқини таниш ва уни ҳимоя қила олишларида муҳим рол ўйнамоқда.**

**Қуйида газетхон илтимосига кўра энг сўнгги кунларда олинган саволларга ҳуқуқшунослар жавоби эълон қилинаяпти.**

## Саволингизга ТДЮИнинг хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради

***САВОЛ:** Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолига тўланадиган нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдам турларининг тайинланиши ва тўланиши ҳақида батафсил маълумот беришингизни сўраймиз.*

**С.АЛИМОВА,**
**Тошкент шаҳри**



**ЖАВОБ:** Амалдаги қонунчиликка кўра фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали аҳолига пуллик моддий ёрдамлар ва бир нечта нафақалар тайинланмоқда. Бундай тўловлар аниқ манзилли бўлганлиги учун фақат ҳақиқатда бундай ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга тайинланади.

Фуқаролар йиғини томонидан энг кўп тайинланадиган нафақалардан бири, бу болали оилаларга бериладиган нафақадир. Бундай нафақаларнинг тайинланиши 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармонига асосланиб, уни тўлаш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-сонли қарори билан тасдиқланган вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тўлаш тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

Ушбу Низомга кўра бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида нафақа тайинланади. Икки нафар болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

Уч болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 140 фоизи миқдорида;

Тўрт ва ундан ортиқ болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 175 фоизи миқдорида нафақа тайинланади.

Амалдаги қонунчиликка биноан ногирон болалари бўлган, ота-онаси бўлмаган болалар қариндошлар томонидан тарбияланаётган, ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган, шунингдек,ота-онанинг бири ёки ҳар иккаласи ишсиз бўлганда ва иш қидирувчи сифатида меҳнат бўлимида ҳисобда турган оилаларга нафақа тайинлашда устунлик берилган.

Мазкур нафақа 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади. Бу муддат тугагач, оила нафақа тўлашни янги муддатга давом эттиришни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нафақа тайинлашни сўраб ариза берган фуқаролар ўз аризасида мурожаат қилишининг сабабларини, шунингдек оила аъзолари оладиган даромад миқдорини кўрсатишлари керак бўлади:

– оила таркиби ҳақида турар жойидан маълумотнома;

– болаларнинг туғилганлик гувоҳномаларидан кўчирма нусхаси;

–васийлик (ҳомийлик)да бўлган болаларга васийлик ўрнатган органнинг қароридан кўчирма нусхаси:

– 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган боланинг ўқиётганлиги ва стипендия олмаётганлиги тўғрисида маълумотномалар тақдим этилади. Ўзини-ўзи бошқариш органининг талаби бўйича аризачи оила аъзоларининг даромади ҳақида маълумотнома тақдим қилиши керак.

Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун махсус комиссия тузилади ва у ариза бергандан бошлаб икки ҳафта муддат давомида оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини кўздан кечиради ва шу муддат охирида нафақа тайинлаш ёки рад этиш ҳақида хулоса беради. Нафақа тайинлаш ҳақидаги қарор фуқароларнинг шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла йиғинларида очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Йиғин қатнашчиларининг кўпчилиги овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Моддий жиҳатдан болаларнинг жисмоний, ақлий ва руҳий, ахлоқий юксалишини таъминлай оладиган оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинланмайди.

Кейинги ижтимоий ёрдам турига кирадиган оилаларга тайинланадиган ойлик пул тўловларидан бири – моддий ёрдамдир.

Моддий ёрдам тўловлари 1994 йил 23 августдаги 938-сонли «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан жорий қилинган бўлиб, уни тайинлаш ва тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августида 434-сонли «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган. Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби алоҳида Низомда кўрсатилган. Ушбу Низомга кўра, объектив, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқароларга (балоғатга етмаган болалари бўлган кўп болали оилалар, боқувчиси ногирон бўлса ёки боқувчиси меҳнат қобилиятини қисман йўқотган сурункали касалга чалинган шахсларнинг оилалари, ишсизларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ёрдамга ўта муҳтож оилалар)га ҳар ойлик моддий ёрдам тайинланиши мумкин.

Нафақа 3 ойга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач, агар оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам белгиланган янги муддатга тайинланиши мумкин.

Моддий ёрдам тайинлашда юқорида кўрсатилган болали оилаларга нафақа тайинлаш тартиби қўлланилади, яъни оиланинг мухтожлик даражасини аниқлайдиган махсус комиссия тузилиб, 2 ҳафта ичида оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ўрганилади. Сўнг комиссия хулосаси фуқаролар йиғини (йиғилиши)га овозга қўйилади. Йиғин иштирокчиларининг кўпчилиги овоз берса, моддий ёрдам тайинланади ва тўланади. Ҳар бир муайян оила учун ҳар ойлик тўловлар миқдори фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил равишда, шу мақсадлар учун уларнинг ҳисоб варақаларида мавжуд бўлган маблағлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Моддий ёрдамнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 дан 3 бараваригача миқдорда белгиланиши керак.

Бюджет ҳисобидан тўланадиган нафақаларнинг яна бир тури – ишламаётган оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунига қадар бола парваришлаш даврида тайинланадиган нафақадир. Бундай нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 2002 йилнинг 14 мартида рўйхатга олинган ишламаётган оналарга икки ёшга тўлмаган фарзандларини парваришлаш даври учун нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра амалга оширилади. Ушбу Низомга кўра икки ёшга етмаган бола тарбияси билан машғул бўлган ишламаётган (меҳнат шартномаси асосида) шахс сифатида нафақа олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўладилар:

а) ишламаётган оналар ёки улар ўрнини босаётган шахслар (боланинг онаси, бувиси, фарзандликка олган шахс, васий ва бошқалар);

б) тўлов – контракт асосида олий, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларининг кундузги бўлимида таълим олаётган ишламаётган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчилар (бола парвариши билан бевосита шуғулланаётган шахслар);

в) якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжалигида аъзо сифатида ишлаётган оналар (уларнинг ўрнини босаётган шахслар).

Нафақа тайинлашни сўраб фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига ариза билан мурожаат қилишлари керак бўлади. Қишлоқ, шаҳарча, овул, маҳалла фуқаролар йиғинининг ёки у ваколат берган комиссиянинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарори нафақа тайинланиши учун асос бўлади.

Нафақа миқдори болалар сонидан қатъий назар энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизни ташкил қилади ва 12 ой муддатга тайинланади.

Фуқаро муддат тугашига бир ой қолганда маҳалла қўмитасига такроран ариза бериши мумкин. Бунда ариза кўриб чиқилиб, нафақа тайинлаш тўғрисида янгидан қарор қабул қилинади. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– бола туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

– меҳнат дафтарчасининг нусхаси (аввал ишлаган бўлса);

– ариза беришдан олдинги 12 ой давомида оиланинг даромадлари ҳақида маълумотнома;

– боланинг ногиронлиги (агар ногирон бола бўлса) ҳақида тиббий маслаҳат комиссияси (ВКК)нинг хулосасидан нусха:

– никоҳ бекор бўлгани (бекор бўлган бўлса) ҳақида суд қарори;

– боланинг онаси бўлмаганда (бола парваришини амалга ошираётган шахс) боланинг онаси йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Икки ёшга тўлмаган фарзанд парвариши даврида боланинг онасига (унинг ўрнини босувчи бошқа шахсга) нафақа оиланинг даромадлари эътиборга олингани ҳолда тайинланиши мумкин. Яъни моддий жиҳатдан етарли таъминланган оналарга бу нафақа тайинланмаслиги ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда оиланинг даромади даражасидан қатъи назар нафақа тайинланади. Бу қуйидаги ҳолларда:

1) тўлиқ бўлмаган (отаси ёхуд онаси йўқ оилада) оилада болани тарбиялаётган ота ёки онага;

2) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (қайси боласи ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ).

Оиланинг умумий даромади тақсимланганида унинг ҳар бир аъзосига энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоиздан кам даромад тўғри келадиган ҳолларда оила кам таъминланган деб ҳисобланади.

Ариза аризачининг бевосита иштирокида кўриб чиқилиши шарт.

Ёш оилаларга бериладиган моддий ёрдам, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали бериладиган ижтимоий ёрдамнинг яна бир тури бўлиб, уни тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 майда рўйхатга олинган. Моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган ёш оилаларга кўрсатиладиган маблағларни ташкил топтириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра амалга оширилади.

Ушбу Низомга кўра ёш оилаларга бир марталик қайтариб олинмайдиган моддий ёрдам шаклида, фоиз олинмайдиган қарз бериб туриш тарзида ёки бошқа шаклларда моддий кўмак берилиши мумкин. Кўрсатиладиган беғараз ёрдам миқдори, бериладиган фоизсиз қарз, ундан фойдаланиш тартиби ва муддатлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланади. Бундай ёрдамни олишда келин ёки куёв ногирон бўлса, қариндошлари ва бошқа ёрдам берувчи яқинлари бўлмаса, кам таъминланган оилалардан бўлса, келин ёки куёв фуқаролар йиғини фаолиятида мунтазам иштирок этса, афзалликдан фойдаланадилар. Ёш оила томонидан моддий ёрдам кўрсатишни сўраб берилган ариза фуқаролар йиғини томонидан белгиланган муддатда ва тартибда кўриб чиқилади.

Ва ниҳоят ижтимоий ёрдамнинг охирги тури – бу ёлғиз карияларга ва ногиронларга етказиладиган ижтимоий ёрдамдир.

Бундай ижтимоий ёрдам Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 23 февралида 900-рақам билан рўйхатга олинган «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби»га кўра амалга оширилади. Ушбу тартибга кўра «қўшимча манзилли ижтимоий ёрдам» Республикада ўрнатилган пенсия ёшига етган (аёллар – 55 ёш, эркаклар – 60) ва ундан юқори ёшда бўлган Ўзбекистон фуқароси, ёшидан қатъи назар I ва II гуруҳ ногирони – алоҳида уйда, хонадонда, ётоқхонада яшаса ва фарзандлари (жумладан боқиб олган фарзанди), ота-онаси, эри (хотини), қаровчиси, ҳомийси бўлмаган қўшимча манзилли ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз кекса, пенсионер ва ногирон» деб тан олинган шахсларга кўрсатилади.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа кекса, пенсионер ва ногиронларга қўшимча ижтимоий ёрдам қуйидаги ҳолларда кўрсатилиши мумкин:

– фуқароларнинг яшаб турган маъмурий ҳудудда (маҳалла, овул, қишлоқ ва бошқа) яшаб, аммо уларга доимий равишда турли хил кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлмаган қариндошлари бўлса;

– уларнинг фарзандлари ёхуд ота-онаси, эри (хотини) узоқ муддатга мажбурий даволанаётган ёки озодликдан маҳрум қилинган бўлсалар;

– кекса, пенсионер ва ногирон - эр-хотини бўлиб бирга яшаётган бўлса ва қариндошлари бўлмаса;

– ногирон бола билан биргаликда яшаётган бўлса.

Ёлғизларни рўйхатга олиш ва уларга қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

– ёлғиз кекса, пенсионер, ногироннинг аризаси ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг тавсияси;

– ёлғизнинг яшаш шароити ва моддий ҳолатини ўрганганлик тўғрисида далолатнома;

– ёлғиз фуқаро уйда ижтимоий хизмат кўрсатилишига муҳтож бўлган ҳолатда унга, унинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ҳақида ТМК ва ТМЭК хулосаси, ижтимоий таъминот бўлими томонидан расмийлаштирилади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёлғиз фуқаролар рўйхатига олингандан сўнг, қабул қилинган ҳудудий «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш» дастурларига асосан уларга ижтимоий ёрдамнинг аниқ турларини кўрсатишни ташкиллаштирадилар.

## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ:** 35 йиллик иш стажига эгаман. Шундан 2 йил болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаганман. 33 йил эса болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида тўгарак раҳбари бўлиб ишлаб келдим. Тўгарак раҳбари вазифасида ишлаган ходимларга компенсация тўланмайди, дейишяпти. Шу тўғрими? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.*

**Х.АТАЖАНОВА,**
**Урганч шаҳри**



**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қарорлари асосида тасдиқланган уй-жой коммунал хизматлар ҳақи бўйича компенсация пул маблағларини тўлаш механизми ҳақидаги Низом асосида уй-жой коммунал хизматлар ҳақи бериладиган имтиёзлар ўрнига 2003 йил 1 апрелдан компенсация пули маблағлари тўлаш киритилган ва у республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 45 фоиз ҳисобида ҳар ойда қуйидагиларга бериб борилади:

– барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагоглик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстерларига;

– академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасалари педагоглик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстерлари;

– педагоглик маълумотига эга меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, психологларига;

– педагоглик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

– педагоглик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор методистларига;

– Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;

– юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагоглик ва илмий педагоглик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади.

Амалдаги қонунчиликка биноан болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида тўгарак раҳбарларига компенсация пул тўловлари бериш назарда тутилмаган.

---

Бугунги кунда халқимиз осойишталиги ва тинч-тотув турмуш тарзини таъминлашда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, бу борада профилактика инспекторлари кечаю кундуз сергаклик билан ҳаракат қилишаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.



Жумладан, Қарши тумани ИИБ га қарашли 32-сонли милиция таянч пункти профилактика инспекторларининг атрофда яшовчи аҳоли билан ҳамда маҳалла оқсоқоли, педагог-тарбиячи, хотин-қизлар қўмитаси, ярашув комиссиялари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлари диққатга сазовордир.

Зиммаларига юкланган вазифани адо этишда масъулият билан ёндошаётганлари боис ҳар бир ҳаракат муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Ана шундай муваффақиятлардан бири республика миқёсида милиция таянч пунктлари ўртасида бўлиб ўтган кўрик- танловда таянч пунктига омад кулиб боққанидир. Танловда 32-сонли таянч пунктининг фаолияти ҳар томонлама ибратли деб топилиб, биринчи ўринга сазовор бўлишди ва енгил автомашинани қўлга киритишди.




**Суратларда: таянч пункти ходими милиция майори Нурилло Бердимуродов; таянч пунктининг умумий кўриниши.**

**Ш.СУЛТОНОВ**
**олган суратлар**

## Саволларингизга ТДЮИ ўқитувчиси Гулнора Муродова жавоб беради



***САВОЛ:** Касб касалликлари рўйхатига қандай зарар билан боғлиқ бўлган касалликлар киради.*

**А.ТОЖИЕВ,**
**Чироқчи тумани**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сонли қарорининг 6-иловасида «касб касалликлари рўйхати» кўрсатилган:

1. Заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

2. Саноат аэрозоллари ва чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

3. Физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;

4. Алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши туфайли келиб чиққан касалликлар;

5. Биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

6. Кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан, пестицидлар) дори-дармонлар, вакциналар, биологик табиий моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

7. Иш жойида концероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Касб касаллигига нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда маълум зарарнинг таъсир қиладиган шароитда қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. У ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари касалликни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларни ўрганиш асносида ҳал қиладилар.

***САВОЛ:** Қонунга мувофиқ қайси жисмоний шахслар ер солиғидан озод этиладилар.*

**Қ.СОТИМОВ,**
**Оққўрғон тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 102-моддасига асосан қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар;

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари – хизмат муддатида;

5) I ва II гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобил АЭСидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

## Саволингизга алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ:** Соғлиғига етказилган зарар ҳақида ва бунга зарар етказувчи томонидан тўланадиган маблағ ҳақида тушунтириш беришларингизни сўраймиз.*



**ЖАВОБ:** Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш билан боғлиқ масалалар Меҳнат Кодексининг 187-197 моддаларига мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган «Қоидалар»га асосан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Иш берувчи томонидан қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари (меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ва шу каби қоидаларга риоя қилмаслик) яратиб берилмагани оқибатида олинган меҳнат жароҳати иш берувчининг айби билан содир этилган деб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома, суд ҳукми ёки қарори, прокуратура, тергов ва суриштирув идораларининг қарори, меҳнат-техника инспекторининг ёки бошқа мансабдор шахс (орган)-ларнинг хулосаси, касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор, меҳнат жароҳати туфайли ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатни йўқотганлик учун нафақа тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш хусусидаги касаба уюшмалари ва ижтимоий суғурта жамғармаси идоралари қарорлари ва шу каби бошқа ҳужжатлар, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатмалари иш берувчининг ходимга етказилган зарар учун айбдорлигини ва жавобгарлигини исботловчи далиллар бўлиши мумкин.

Ходимнинг (жабрланувчининг) қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг (жароҳатнинг, касалликнинг) келиб чиқишига ёки унинг кўпайишига сабаб бўлган тақдирда, зарарнинг тўлов миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб тегишли равишда камайиб боради.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 189-моддасида белгиланишича ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган ҳар қандай зарарни, иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, товон пули тўлаши шарт эканлиги назарда тутилган.

Меҳнат Кодексининг 190-моддасига биноан, ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан қилиниши шарт бўлган тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига ёки меҳнат жароҳати туфайли ходим соғлиғига етказилган зарар (шикастланиш)нинг оқибатида йўқотилган меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб аниқланадиган иш ҳақи (ёки унинг тегишли қисми) миқдорида жабрланувчига тўланиши шарт бўлган ҳар ойлик пул тўловлари;

2. Ходимнинг соғлиғига шикаст етиши ёки касб касаллигига дучор бўлиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг пуллик компенсацияси;

3. Қонунчилик ҳужжатларида, жамоа шартномаларида ва томонларнинг (иш берувчи билан ходимнинг) ўзаро келишуви асосида белгиланган миқдордаги бир йўла бериладиган нафақа тўловлари;

4. Шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва белгиланган тартибда маънавий зарарнинг ўрнини қопловчи пуллик компенсациялари.

Зарарни қоплаш учун тўланадиган пул маблағлари миқдори турмуш даражасининг ошиб бориши муносабати билан қонунчиликда белгиланган тартибда индексация қилинади.

